ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ! ЎЗБЕКИСТОН

# ИШОНЧ

25 ОКТЯБРЬ 1996 йил, ЖУМА

№ 85 (332)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

БУ СОНДА:

2 ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ
3 ТУҲМАТ БАЛОСИ
4 ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУР

# АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциянинг муҳтарам иштирокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналаридаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва Темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намоёндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат — хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бош-бошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Муғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиқлантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меъросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк Ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг;

«Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсаттан барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақлзаковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни, бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, францияли, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VIга ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

«...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Учинчидан, соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари учун ҳам бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоатларнинг сон-саноғи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва

(Давоми 2-бетда)

### Иқтисодиёт хабарлари

## ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳридаги «Марказий Осиё» корпорациясининг шуҳрати кенг тарқалмоқда. Яқинда бу ерда чанқовбосди яхна ичимликлар заводи фойдаланишга топширилди. Корхона бир ой давомида барпо этилди ва илғор ғарб технологияси асосида жиҳозланди.

Кичик заводда бир кеча-кундузда икки ярим минг шиша ичимлик ишлаб чиқариб, ҳозирги кунга қадар бундай ичимликларнинг 4 хили ўзлаштирилди. Маъданли сув ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

- Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши,-дейди корхона раҳбари Тоҳир Фозилов,- Бахт шаҳар ҳокимлигининг касаба уюшмалари билан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш юзасидан тузилган битим асосида бунёд этилди.

Дарҳақиқат, қўриқ воҳасининг яқинда вилоят тасарруфидаги шаҳар мақомига эга бўлган Бахт шаҳри раҳбарияти ва тадбиркор халқи сўнгги вақтларда ташаббускорлик мўъжизаларини барчага намойиш этишмоқда.

Кичик заводни ишга тушириш тантаналарида қатнашган республика соғлиқни сақлаш вазири Ш.И.Каримов таъкидлашича, корхона маҳсулоти меҳнаткашларни соғломлаштириш ишига хизмат қилади.

Дастлабки маҳсулот Оролбўйига - Хоразм вилояти меҳнаткашларига армуғон қилинди.

П.ДЎСТМАМАТОВ.

## ДОН ЭКИШ ҚИЗҒИН

Пешку тумани хўжаликларида 1997 йилда 16628 тонна дон етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда 5 минг гектар ерга кузги буғдой экилади.

Айни кунларда сифатли тайёрланган майдонларга дон экишда «Туркистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари олдинда боришмоқда.

Жаҳон Турсунов, Жумабой Қурбонов, Саид Давронов бошлиқ дончилик бригадаларида 220 гектар ерга мўл ҳосил уруғи ташланди. Уруғликни ерга қадашда Саттор Расулов, Рўзиқул Аллаёров, Худойназар Рўзиев ва Ниёз Ҳамроев каби механизаторлар астойдил меҳнат қилмоқдалар.



«ОБУНА-97»

Азиз муштарий!

Севимли газетангиз «Ишонч»га обуна бўлдингизми? 1997 йил учун обуна давом этмоқда.

Нашр индекси: якка обуначилар учун 64560, ташкилотлар учун 64561

## ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Бухоро вилояти пахтакорлари катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай эл хирмонига етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилишмоқда. Туманлар ва хўжаликлараро мусобақа авжида. Мусобақа ғолиблари ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаётир. Шу боисдан ҳам илғорларга тенглашишга интилаётган туманлар, хўжаликлар сони кўпайиб бораётир.

Куни кеча вилоят хокимлиги сўнгги ўн кунлик мусобақага якун ясади. Якунга кўра туманлараро мусобақада биринчи ўринни Вобкент тумани, хўжаликлар уртасида эса «Маданият» жамоа хўжалиги эгаллашди. Ғолиб туманга фахрий ёрлиқ, телевизор, 3 та имтиёзли йўлланма топширилди. «Маданият» жамоа хўжалиги «Фахрий Ёрлиқ» гилам ва 2 та имтиёзли йўлланма билан мукофотланди.

Ғ.ШУКУРОВ.



Қуйи Чирчиқ туманидаги «Дўстлик » жамоа хўжалиги миришкорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Суратда:(чапдан ўнга) бригада бошлиғи Валентин Ли, хўжалик раиси Жаҳонгир Муҳамедов, туман агропром раиси Пўлат Бойдеков, хўжлик агрономи Эсонбой Бахтибоевлар далада ҳосил чўғини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳусанбой Аввалов олган сурат.

## МАҚСАД— ТУРМУШНИ ЯХШИЛАШ

Ерлари Зарафшон дарёси соҳилларида жойлашган «Ғалаба» хўжалиги Нарпай туманида илғорлар сифатида тилга олинади. Жамоа аҳли, саккиз йилдирки, Самарқанд вилоятида узлуксиз биринчилар қаторида пахта тайёрлаш режасини бажариб келмоқда. БУ йил ҳам шундай бўлди.

Жами 880 гектар майдонга пахтанинг «Қирғиз — 3» нави экилиб, парвариш қилинди. Меҳнатимиз бесамар кетмади. Гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга 2500 тонна тўлиқ биринчи навли хом ашё топширдик. Шунинг 500 тоннаси машиналарда терилди. Ўктам Қурбонов, Рамазон Алланов, Олим Қиличев каби механизаторлар 40—100 тоннадан пахта териб, хирмонга баракали ҳисса қўшишди. Бугунгача хўжаликдаги 13 та бригададан 10 таси режани ошириб уддалади. Содиқ Эргашев, Муҳаммад Рўзиев, Хайрулла Азимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан пахтакор Аҳмад Нарзиев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 37 — 40 центнерга етказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу йил пахта йиғим-терими ўта уюшқоқлик билан бажарилди. Бундай ижобий ҳолга эришишимизда терилган пахтага ҳақ тўлаш тўғри ташкил қилингани сабаб бўлса, ажаб эмас. Шу сабабли ҳосил қисқа муддатда йиғиштириб олинди. Ҳозирга қадар теримчиларга 4 миллион сўмдан зиёд маблағ меҳнат ҳақи сифатида тарқатилди. Бундан ташқари механизаторлар учун ички имкониятларимиздан фойдаланиб, қўшимча ҳақ тўлашни жорий этдик. Мусобақа илғорлари ҳар беш кунда рағбатлантириб борилди.

Пахта йиғим-терим мавсуми билан бир қаторда хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам кенг ривожланиб бораётир.

1996 йилда фақатгина пилла режасини бажара олмадик холос. Ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчиликда натижа ёмон бўлмади. Лекин хотиржам бўлишга асосимиз йўқ. Шунинг учун ҳам янги соҳаларга қўл ураяпмиз. Яқиндан бошлаб хўжаликда 3,5 минг парранда, 30 та нутрия боқилаяпти. Бошқа янги-янги режаларимиз ҳам кўп. Асосий мақсад ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини юқори савияга кўтаришдан иборат.

Акбар ЖАМИЛОВ,
«Ғалаба» хўжалиги раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

# ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ мамлакатларида

Халқаро валюта фондининг вакиллари Грузияда бўлиб турибди. Улар шу мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини кўздан кечирмоқдалар. Грузияда иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг бозор муносабатлари шаклига бевосита шу йирик халқаро молиявий ташкилотнинг кузатуви остида ўтилмоқда.

***

Украина Президенти Леонид Кучма Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди. Улар икки мамлакатнинг кўп томонлама ҳамкорлиги хусусида суҳбат ўтказдилар. Қора денгиз флоти масаласи суҳбатнинг асосий мавзуларидан бирини ташкил этди. Леонид Кучма Россия Президентини юракда мураккаб жарроҳлик муолажаси олдидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам Москвага келганлиги хабар қилинмоқда.

***

Россия Мудофаа вазири Игорь Родионов расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. У икки мамлакат ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлигига оид музокаралар ўтказган. Ҳиндистон томони Россиядан замонавий қурол-яроғлар харид қилиш ва ҳарбий таълим масканларида ўз мутахассисларини тайёрлаш истагини билдирган. Ҳиндистон ҳарбий кучлари 60 фоиз Россияда ишлаб чиқарилган ҳарбий техника билан жиҳозлангани қайд этилмоқда.

***

Россия Давлат думасининг ялпи мажлисида бир қатор иқтисодий ва ижтимоий қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари муҳокама қилинди. Дума қўмиталаридан бирида эса Чеченистондаги вазият кўриб чиқилди. Маълумки, Хасавюрт шартномаларига биноан Чеченистондан Россия қуролли кучлари олиб чиқиб кетилмоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, Россия Мудофаа вазирлигининг Шимолий Кавказ округи кучларидан ташқари қўшинларининг ҳаммаси Чеченистондан олиб чиқиб кетилган.

***

Украина Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиб, хорижий сармоя сарфланган корхоналарнинг қайси маҳсулотлари мамлакатнинг ўз маҳсулоти сифатида тегишли солиқ имтиёзлари олиши мумкинлигини белгилаб қўйди. Бу қарор хорижий сармояли корхоналар маҳсулотларидан солиқ тушумларини тартибга келтириш мақсадида қабул қилинди.

ХОРИЖДА

Афғонистон ҳукуматининг собиқ қўшинлари билан Толибон кучлари ўртасида бўлган шиддатли жанглардан кейин томонлардан биронтаси ҳам қўшимча жойларни эгаллай олмадилар. Кобулдан шимол томонда бўлган жанглар чоғида ҳукумат қўшинлари ҳарбий жиҳатдан муҳим жойни эгаллашга уриндилар. Бироқ Толибон кучлари астойдил қаршилик кўрсатишди. БМТ вакили генерал Абдурашид Дўстим билан учрашгач, томонларнинг муросага келиши эҳтимолдан йироқ эканини маълум қилган. Сўнгги хабарларга қараганда, генерал Абдурашид Дўстим Афғонистон Олий мудофаа кенгашининг бошлиғи этиб сайланган.

***

Афғонистон Президенти Бурхониддин Раббоний БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шу мамлакат ички ишларига хорижий аралашув ва қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатишга оид қарорини мамнуният билан қабул қилганлигини айтди. У БМТ Афғонистон ички ишларига ҳарбий аралашувни тўхтатишни Покистондан очиқдан-очиқ ва қатъий талаб этиши керак, деди. Раббонийнинг айтишича, Покистон қўллаб-қувватлаётган Толибон кучлари Афғонистоннинг аксарият қисмини, жумладан пойтахт Кобулни эгаллаб турибдилар.

***

Исроил маъмурлари қўпорувчилик эҳтимолидан чўчиб, Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторининг чегарасини ёпиб қўйдилар. Исроилда бўлган Франция Президенти Жак Ширак Фаластин давлатини тан олишга даъват этиб, жўнаб кетгач, орадан бир неча соат ўтмасданоқ шундай йўл тутилган. Жак Ширак бундан олдин Фаластиннинг Рамаллоҳ шаҳрида гулдурос қарсаклар остида Фаластин қонунчилик кенгаши аъзолари ҳузурида нутқ сўзлаган.

***

Ироқда ўзаро урушаётган Курд томонлари отишмаларни тўхтатиш ва келаси ҳафтада Туркия пойтахти Анқарада музокаралар бошлаш хусусида келишиб олдилар. АҚШ давлат департаменти шуни маълум қилди. Ироқ курдлари ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этишда воситачилик қилаётган АҚШ вакилининг саъй-ҳаракатлари шундай натижа билан якунланди.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳарбий жиноятчиликка оид маълумотларни оммалаштириш тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Оқ уй вакилининг айтишича, қонунга биноан АҚШ ҳукумати ихтиёридаги иккинчи жаҳон уруши чоғида фашизм содир этган жиноятларга оид маълумотларнинг ҳаммаси эълон қилинади.

Жаҳон ахборот агентликлари материаллари асосида.

